

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ШАРҚШУНОСЛИК ИНСТИТУТИ  
ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖАҲОН ТИЛЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ  
ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.27.06.2017. Fіl.21.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**  

---

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ШАРҚШУНОСЛИК ИНСТИТУТИ**

**АБДИРАШЕВА АЗИЗА САЛИМОВНА**

**ЗАМОНАВИЙ ТУРК ТИЛИДАГИ ИҚТИСОДИЙ ТЕРМИНЛАРНИНГ  
ЛИНГВОКОГНИТИВ ТАҲЛИЛИ**

**10.00.05 – Осиё ва Африка халқлари тили ва адабиёти**

**Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2019**

**Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)  
по филологическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of Doctor of Philosophy (PhD)  
on Philological Sciences**

**Абдирашева Азиза Салимовна**

Замонавий турк тилидаги иқтисодий терминларнинг лингвокогнитив таҳлили. . . . . 3

**Абдырашева Азиза Салимовна**

Лингвокогнитивный анализ экономических терминов в современном турецком языке . . . . . 19

**Abdirasheva Aziza Salimovna**

Linguocognitive analysis of economic terms in the modern Turkish language . . . . . 36

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ  
List of published works . . . . . 39

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ШАРҚШУНОСЛИК ИНСТИТУТИ  
ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖАҲОН ТИЛЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ  
ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.27.06.2017. Fіl.21.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**  

---

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ШАРҚШУНОСЛИК ИНСТИТУТИ**

**АБДИРАШЕВА АЗИЗА САЛИМОВНА**

**ЗАМОНАВИЙ ТУРК ТИЛИДАГИ ИҚТИСОДИЙ ТЕРМИНЛАРНИНГ  
ЛИНГВОКОГНИТИВ ТАҲЛИЛИ**

**10.00.05 – Осиё ва Африка халқлари тили ва адабиёти**

**Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2019**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2017.3.PhD/Fil.241 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Тошкент давлат шарқшунослик институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида ([www.tashgiv.uz](http://www.tashgiv.uz)) ва «ZiyoNet» Ахборот таълим порталида ([www.ziyounet.uz](http://www.ziyounet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Омонов Қудратулла Шарипович**  
филология фанлари доктори, доцент

**Расмий оппонентлар:**

**Юлдашев Иброҳим Жўраевич**  
филология фанлари доктори, профессор

**Алимухамедов Рихситилла Абдурашидович**  
филология фанлари доктори

**Етакчи ташкилот:**

**Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институти**

Диссертация ҳимояси Тошкент давлат шарқшунослик институти, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети, Ўзбекистон миллий университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.27.06.2017.Fil.21.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2019 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ соат \_\_\_ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100047, Тошкент шаҳри, Шаҳрисабз кўчаси, 25-уй. Тел.: (99871) 233-45-21; факс: (99871) 233-52-24; e-mail: [sharq\\_ilmiy@mail.ru](mailto:sharq_ilmiy@mail.ru)).

Диссертация билан Тошкент давлат шарқшунослик институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин. ( \_\_\_ рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100047, Тошкент шаҳри, Шаҳрисабз кўчаси, 25-уй. Тел.: (99871) 233-45-21).

Диссертация автореферати 2019 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ кuni тарқатилди.

(2019 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ даги \_\_\_ рақамли реестр баённомаси).

**А.М.Маннонов**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, филол.ф.д., профессор

**Қ.П.Содиқов**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, филол.ф.д., профессор

**А.Куранбеков**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, филол.ф.д., профессор

## **КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)**

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Дунё тилшунослигида термин тизимларининг таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, соҳа мутахассисларининг эътибори кўпинча терминларнинг лексик-семантик, мавзуий гуруҳларга ажратишда намоён бўлувчи ономасиологик ва идеографик хусусиятларини ўрганишга қаратилган. Кейинги йилларда фанда термин тизимларини тавсифлашда лингвокогнитив ёндашув ҳам етакчи соҳа сифатида терминология жамиятда шаклланган олам ҳақидаги илмий тасаввурларни акс эттиришини ва тушунчалар, яъни предметлар ва ҳодисалардаги асосий тавсифларни иккинчи даражалиларидан алоҳида ажратиб олиш асосида юзага келадиган мантиқан англандиган концептлар билан қандай ишлашини аниқлаш имконини берди.

Замонавий лингвистик тадқиқотларда терминология соҳасида когнитив ёндашувнинг устун томонлари исботланмоқда. Ушбу йўналишда махсус билимларнинг кенг цивилизацион контекстда пайдо бўлиши ва тадрижий ривожланишини таҳлил қилиш, кишилардаги ўзгарувчан когнитив-коммуниктив эҳтиёжларни ҳисобга олган ҳолда терминологик номинация динамик жараёнларнинг сабаб ва механизмларини очиқ бериш имкони юзага келмоқда. Буларнинг барчаси термин тизимлардаги мавжуд жараёнларни ёритиш имкониятини беради ҳамда махсус илмий тузилмаларнинг лисоний тузилмалар билан мураккаб муносабатини аниқлашга ёрдам беради.

Ҳозирги пайтда Ўзбекистон Республикаси билан Туркия Республикаси ўртасидаги турли соҳалардаги ҳамкорлик ҳар томонлама янги босқичга чиқди. Айниқса, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг 2017 йилнинг 25 - 26 октябрь кунлари Туркия Республикасига қилган давлат ташрифи икки қардош давлат ўртасидаги иқтисодий, ижтимоий, маданий йўналишларда, фан ва таълим соҳасидаги ўзаро алоқаларнинг мустақамланиши ва чуқурлашишига мустақам замин яратди. Айниқса, иқтисодиёт соҳасидаги алоқалар ва ушбу йўналишнинг қон томири саналувчи иқтисодий мулоқатлар учун асос бўладиган соҳа тушунчаларини тадқиқи муҳим аҳамият касб этади. Шу жиҳатдан, ўзбек шарқшунослигида турк тили иқтисодий терминларининг монографик планда таҳлили, уларнинг лингвокогнитив тадқиқига бўлган эҳтиёж ошиб бормоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони, 2017 йил 17 февралдаги ПҚ-2789-сон «Фанлар академияси фаолияти, илмий-тадқиқот ишларини ташкил этиш, бошқариш ва молиялаштиришни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори, 2017 йил 20 апрелдаги ПҚ-2909-сон «Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори ҳамда мазкур соҳа бўйича қабул қилинган бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга мазкур диссертация муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Диссертация тадқиқоти республика фан ва технологиялар тараққиётининг I. «Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Термин тизимларини ўрганишга бағишланган замонавий тадқиқотларнинг таҳлили олимларнинг диққат-эътибори, асосан уларни тилнинг лексик-семантик тизимининг бир қисми сифатида ўрганишга қаратилганлигини кўрсатади.<sup>1</sup> Айрим алоҳида тадқиқотлар назарда тутилмаса, термин тизимларини тилдан мустақил бўлган тушунчалар соҳаси сифатида анча кам ўрганилган<sup>2</sup>.

Турк тилидаги иқтисодий терминлар қатлами, унинг келиб чиқиши, ясалиши ва генетик тадқиқи масалалари фанда муайян даржада ўрганилган. Чунончи, Х.Зулфикар, Ш.Акалин, М.Эргенекон сингари турк тадқиқотчиларининг изланишларида термин масаласи ва турк тили иқтисодий терминлари таҳлили қиёсий ёндашув асосида ўрганилган<sup>3</sup>.

Ўзбек туркологлари Х. Дадабаев ишларида туркий тиллардаги иқтисодий терминлар ўрта асрлар ёзма ёдгорликлари материали мисолида тадқиқ этилган<sup>4</sup>. Рус туркшуноси Е. Кайтукова тадқиқотида турк тили иқтисодий терминларининг ясалиш масалалари ва таррақиёти ҳақида мулоҳазалар билдирилган<sup>5</sup>.

Маълумки, терминологик лексика тил луғат таркибининг энг тез ривожланувчи қисми ҳисобланади. Айнан терминологик лексика материали асосида тил қонунларининг ўзаро таъсири яққол намоён бўлади. А.А.Реформатский терминлар табиатидаги икки хилликни «икки хўжайин, яъни лексика тизими ва илмий тушунчалар тизимининг хизматкори», дея эътироф

<sup>1</sup> Овчаренко В. М. Концептуальная, семантическая и семиотическая целостность термина. // Лингвистические проблемы научно-технической терминологии. М., 1970. Кобрин Р. Ю. Терминосистемы как информационные языки // Лексика. Терминология. Стили. Вып. 1. Горький, 1973.; Бабаев К. Р. Особенности стилистического освоения тюркизмов в русском языке. Горький, 1978. – С. 140-145.

<sup>2</sup> Реформатский А.А. Мысли о терминологии // Современные проблемы русской терминологии. М.: Наука, 1986. – С. 103-123; Демьянков, В.З. Когнитивная лингвистика как разновидность интерпретирующего подхода Текст. / В.З. Демьянков // Вопросы языкознания. 1994. №4. – С. 17-33; Вежицкая А. Семантические универсалии и описание языков. // Языки русской культуры, М.: 1999. Лотте, Д.С. Основы построения научно-технической терминологии. М.: АН СССР. 1961. – 158 с.; Карасик В.И. Лингвокультурный концепт как единица исследования. // Методологические проблемы когнитивной лингвистики. Воронеж: ВГУ. 2001. – С. 75-80; Гринев С.В. Введение в терминоведение. М., 1993. 309 с.; Ивина, Л.В. Лингвокогнитивные основы анализа отраслевых терминосистем (на примере англоязычной терминосистемы венчурного финансирования). М.: Академический проект, 2003. 304 с.; Венедиктова, Л.Н. Концепт «война» в языковой картине мира (сопоставительное исследование на материале английского и русского языков) Автореферат диссертации...кандидата филологических наук. Тюмень: Челябинский государственный университет. 2004. 20 с.

<sup>3</sup> Hamza Zülfiqar. Türk Terimcilik Tarihi İçinde Peyami Safa // TDK yayımları Dil ve Edebiyat. Sayı: 607, 2002; Şükrü Haluk Akalın. Türk dili. Yabancı sözlere karşılıklar ve terim çalışmaları // TDK yayımları Dil ve Edebiyat Dergisi. Sayı: 613, ocak 2003. S.1-9; Эргенекон М. Компаративный анализ лингвистической терминологии в русском и турецком языках. Анкара, 2015;

<sup>4</sup> Дадабаев Х. Общественно-политическая и социально-экономическая терминология в тюркоязычных письменных памятниках XI-XIV. – Ташкент, 1991.

<sup>5</sup> Кайтукова Е.Г. Способы образования и пути развития турецкой экономической терминологии// Автореферат на соискание ученой степени кан.фил.наук. М., 2007. 25с;

этади<sup>6</sup>. Шу жиҳатдан терминологик тизим онгга яқинлиги даражаси бўйичагина эмас, балки онг структуралари билан уларни зоҳир этувчи лисоний шакллар ўртасидаги мавжуд боғланишлар бўйича ҳам фанда ўрганилиши керак.

**Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасаси илмий - тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация Тошкент давлат шарқшунослик институти илмий тадқиқотларининг «Шарқ мамлакатлари тилларини ўрганиш ва тилшунослик назарий масалалари», шунингдек, Туркий тиллар кафедрасининг «Турк тилшунослигининг долзарб масалалари» илмий йўналишлари билан бевосита боғлиқ

**Тадқиқотнинг мақсади** ҳозирги турк тили иқтисодий терминлари тизимини тилнинг бир қисми ва алоҳида тушунчалар соҳаси сифатида комплекс таҳлил қилиш орқали унинг икки хил табиатини ёритиб беришдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари** қуйидагилардан иборат:

турк тилидаги иқтисодий терминларни тил лексик-семантик тизимининг бир қисми сифатида ўрганиш ва бу билан уларнинг яхлитлигини таъминловчи ҳамда тизим яратувчи омилларни аниқлаш;

турк тилидаги иқтисодий терминларини тизим сифатида тадқиқ этиб унинг ички гуруҳларини аниқлаш;

ҳозирги замон турк тилидаги иқтисодий терминларни фреймли таҳлил усули ёрдамида тадқиқ этиш;

«иқтисодий фаолият соҳаси», «товар айланмаси», «биржа», «банк тизими» каби фреймли структураларни асослаш;

иқтисодий реалияларнинг талқини билан боғлиқ туркча сўзлашувчиларнинг лисоний онгида қатор метофорик моделлар кўринишида намоён бўлувчи барқарор ассоциацияларни аниқлаш;

замонавий турк тилининг иқтисодий термин тизимидаги метафоранинг икки – номинатив ва коммуникатив вазифасини асослаш ва таққослаш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида ҳозирги замон турк тилининг иқтисодий терминлар тизими белгиланган.

**Тадқиқотнинг предмети**ни иқтисодий терминларнинг лексик-семантик ва лингвокогнитив хусусиятлари, турк лисоний онгидаги иқтисодий реалиялар ташкил этади.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқотда тизимли ва лингвокогнитив таҳлил, ўрганилаётган фактни яхлит ҳамда кўп аспекти ҳодиса (феномен) сифатида моделлаштириш сингари усуллардан фойдаланилди.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги:**

турк тилидаги иқтисодий терминлар тил лексик - семантик тизимининг бир қисми эканлиги асосланган ва бу билан уларнинг яхлитлигини таъминловчи ҳамда *сўз ясовчи, ономасиологик, идеографик* ва *лингвокогнитив* каби тизим яратувчи манбалари аниқланган;

---

<sup>6</sup> Реформатский А.А. Введение в языковедение. М., 1955. – С. 122.

турк тилидаги иқтисодий терминлар фреймли таҳлил усули ёрдамида тадқиқ этилиб, унинг «иқтисодий фаолият соҳаси», «товар айланмаси», «биржа», «банк тизими» каби фреймли структуралари асосланган;

иқтисодий реалияларнинг талқини билан боғлиқ туркча сўзлашувчиларнинг лисоний онгида мавжуд метофорик моделлар кўринишида намоён бўлувчи барқарор ассоциациялар аниқланган;

замонавий турк тилининг иқтисодий термин тизимидаги метафоранинг икки – *номинатив* ва *коммуникатив* вазифаси таққосланган;

турк тилидаги иқтисодий терминлар семантикасининг туркча сўзлашувчиларнинг онгидаги *лисоний*, *касбий* ва *ижтимоий* омилларнинг таъсири далилланган.

#### **Тадқиқотнинг амалий натижалари:**

турк тилидаги иқтисодий терминлар лексик-семантик тизимининг бир қисми иккинчи томондан эса билимлар ва концепцияларни тартибга солиш усули эканлиги исботланган ҳамда уларнинг сўз ясовчи, ономасиологик, идеографик ва лингвокогнитив каби қатор тизим яратиш омиллари аниқланган;

диссертация натижаларидан турк тилининг назарий грамматикаси, лексикологияси, терминологияси ҳамда сўз ясаш билан боғлиқ фанларни ўқитишда, шунингдек, тадқиқот материалларидан таржима амалиётида, иқтисодиёт соҳасидаги алоқалар ва ушбу йўналишнинг асоси саналувчи иқтисодий мулоқатларни олиб боришда фойдаланиш мумкин.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** кенг кўламли лисоний фактография, назарий хулосалар ва илмий ишда қабул қилинган илмий фаразларнинг танланган усулда изчил таҳлили, шунингдек, хулосаларнинг амалиётга жорий этилгани, олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Турк иқтисодий терминлар тизимининг икки хил табиатлилиги исботланган. Тадқиқот натижалари орқали терминлар назарияси, хусусан, замонавий турк тилининг ривожланишига, терминлар негизида ётган лисоний, касбий ва ижтимоий омилларнинг ўзаро таъсири аниқланган.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти туркий тиллардаги иқтисодий терминологияни ўрганишда ёрдам бериши билан изоҳланади. Илмий ишнинг натижаси мамлакатимиз олий ўқув юр்தларининг Филология ва тилларни ўқитиш (турк тили), Таржимашунослик, Хорижий мамлакатлар иқтисодиёти (Туркия иқтисодиёти) таълим йўналишларида турк тилидан амалий ва назарий дарс машғулотлар ўтказишда, шунингдек, махсус курс, махсус семинарлар учун ўқув қўлланмалари ва дарсликлар яратишда манба сифатида қўлланилиши мумкин.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Замонавий турк тилидаги иқтисодий терминларнинг лингвокогнитив таҳлил этиш бўйича олинган натижалар асосида:

турк тилидаги иқтисодий терминларнинг «иқтисодий фаолият соҳаси», «товар айланмаси», «биржа», «банк тизими» каби фреймли структуралар бўйича олинган натижалардан «Асака» акциядорлик тижорат банки фаолиятида



фойдаланилган («Асака» акциядорлик тижорат банкининг 2018 йил 6 июндаги 23/2205- сон маълумотномаси). Натижада терминологик корпуснинг лисоний ва нолисоний тавсифини ўз ичига олган иқтисодий терминлар тизимининг паспорти ишлаб чиқилди ва туркча-русча иқтисодий терминлар луғатини яратишга асос бўлиб хизмат қилган;

иқтисодий реалияларнинг талқини билан боғлиқ туркча сўзлашувчиларнинг лисоний онгида мавжуд метофорик моделлар кўринишида намоён бўлувчи барқарор ассоциациялар таҳлили бўйича олинган натижалар Туркия Республикасининг Тошкентдаги элчихонаси илмий фаолиятида фойдаланилган (Туркия Республикасининг Тошкентдаги элчихонасининг 2018 йил 11 июндаги маълумотномаси). Натижада тақдим этилган русча-туркча иқтисодий терминлар луғати ҳар иккала давлат мутахассислари учун иқтисодий мулоқот асоси бўлиб хизмат қилган;

замонавий турк тилинининг иқтисодий термин тизимидаги метафоранинг икки – *номинатив* ва *коммуникатив* вазифасини таққослаш асосида олинган хулосалардан «Асака» акциядорлик тижорат банкининг халқаро алоқалар бўлими фаолиятида фойдаланилган («Асака» акциядорлик тижорат банкининг 2018 йил 6 июндаги 23/2205- сон маълумотномаси). Натижада иқтисодиёт соҳасидаги ўзбек-турк алоқалари ва ушбу йўналишнинг қон томири саналувчи бизнес мулоқотлар учун асос бўлган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари жами 8 та, шулардан 3 та халқаро ва 5 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация натижалари жами 15 та илмий ишда ўз аксини топган, шулардан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларида 7 та мақола, шулардан 4 таси республика ва 3 таси хорижий журналларда нашр этирилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация кириш, уч асосий боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг умумий ҳажми 134 бетни ташкил этади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Тадқиқотнинг **кириш** қисмида мавзунинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади, вазифалари, объекти, предмети ва методлари белгиланган, диссертациянинг Ўзбекистон Республикаси фан ва технологиялари тараққиётининг устувор йўналишларига мувофиқлиги аниқланган; тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён этилган, тадқиқот натижаларининг ишончлилиги, уларнинг назарий ва амалий аҳамияти далилланган. Тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий қилиниши, ишнинг апробацияси, натижалари, эълон қилинган ишлар ва диссертациянинг тузилиши, ҳажми бўйича маълумотлар келтирилган.

**«Иқтисодий терминларни ўрганишдаги ёндашувлар»** деб номланган I бобда термин ва сўз муносабати, тилшуносликда термин тизимларини тадқиқ этишнинг методологик асослари, терминлар семантикасидаги уларнинг икки хил табиатини белгиловчи лексик-семантик ва тушунчавий аспектнинг мутаносиблиги каби масалалар кўриб чиқилган. Замонавий турк тилидаги асосий терминларнинг келиб чиқиши, шаклланиши ҳамда терминларнинг когнитив таҳлили тамойиллари билимлар ва концепцияларни тартибга солиш усули сифатида ўрганиб чиқилган.

Замонавий тилшунослик фанида термин тизимларини ўрганишда икки асосий ёндашув шаклланган. Биринчиси тил лексик-семантик тизимининг бир қисми сифатида, иккинчиси - алоҳида тушунчавий категориялар тизими сифатидаги талқини билан боғлиқ. Биринчи ёндашув доирасида терминлар лексик-семантик ва мазмуний майдонларда намоён бўлувчи ономасиологик ва идеографик аспектларда, иккинчи ёндашув фреймлар, слотлар доирасида ўрганилган<sup>7</sup>. Юқорида таъкидлаб ўтилган ёндашувларнинг ўзаро таъсирлашувлари келтирилган лингвокогнитив тадқиқотлар алоҳида ўрин эгаллаган.

Терминларни тилнинг лексик - семантик тизими доирасида тизим яратувчи омиллар сифатида ўрганишда термин тизимлари ичида парадигматик ва синтагматик алоқалар ажратилган.

Парадигматик алоқалар синонимик қаторлар, полисемия ва антонимия ҳодисаларининг мавжудлиги орқали ўз ифодасини топади, полисемик ва синонимик алоқалар ва антонимик оппозициялар лексик-семантик парадигматиканинг характерли белгилари бўлса-да, бироқ улар терминлогия учун ёт эмас. шу муносабат билан парадигматик алоқалар жумласига термин ясовчи, морфологик, лексик-семантик ва морфосемантик алоқалар ҳам киритилган. Термин яшаш муносабатлари а) термин-сўзлар учун сўз ясовчи; б) сўз бирикмали терминлар учун дериватологик восита сифатида тушунилади. Шу муносабат билан А.А.Реформатский «терминологик кичик тизимнинг ўзига хослигини сўз яшаш орқали кўрсатиш осон», дея ёзади<sup>8</sup>. У термин тизимидаги сўз яшаш ва дериватологик муносабатлар асосида умумистеъмол тилининг маҳсулдорлиги ва частосталиги билан ажралиб турувчи сўз яшаш ва сўз бирикмалари моделларини ҳисобга олган ҳолда терминлар моделларини яратиш мумкинлигини таъкидлайди. Айни пайтда морфологик алоқалар терминлашган сўз бирикмаларидаги термин-сўз элементларнинг хусусий грамматик категориялар ва парадигмаларга эга сўзларнинг у ёки бу грамматик синфига мансублигига ишора қилади, улар орқали мазкур категориялар ва синфларни ажратиш мумкин, улар ўртасидаги лексик-семантик муносабатлар турли хилдаги семантик муносабатларни ифодалайди.

<sup>7</sup> См., например: Демьянков В.З. Когнитивная лингвистика как разновидность интерпретирующего подхода // Вопросы языкознания. 1994. №4. С. 17-33; Ивина, Л.В. Лингвокогнитивные основы анализа отраслевых терминосистем (на примере англоязычной терминосистемы венчурного финансирования). – М.: Академический проект, 2003. 304 с.

<sup>8</sup>Реформатский, А.А. Термин как член лексической системы языка // Проблемы структурной лингвистики. М., 1968. - С.52.

Шу билан бирга терминлар тушунчавий категорияларнинг автоном тизими сифатида ҳам таҳлил қилинди. Бу йўналишда амалга оширилган асосий тадқиқотлардан бири Н.А. Нечаевага мансуб<sup>9</sup>. Муаллиф тушунчалар тизими деганда, маълум илм ёки фаолият соҳасига мансуб бир - бири билан ўзаро боғлиқ бўлган категориялар йиғиндисини ҳамда уларга мувофиқ таърифлар орқали қайд этилган мазкур тушунчалар ўртасидаги муносабатларни назарда тутди. Терминологиянинг тушунчавий структураси, таркиби, унинг фикрича, - бу терминларнинг таърифлари тизимида, яна ҳам умумийроқ ҳолда эса терминлар маъноларини изоҳлаш тизимида берилган терминлар ўртасидаги муносабатлардир. Бошқача айтганда, терминологиянинг тушунчавий структураси, энг аввало, мазкур таърифлар тизимига мувофиқдир. Конструктив жиҳатдан бу терминларнинг аниқланиши хусусияти билан белгиланадиган бинар ва нобинар муносабатлар структурасидир.

Замонавий тилшуносликдаги термин тизимларини тавсифлашда лингвокогнитив ёндашув ҳам муҳим аҳамият касб этади. У терминология қандай қилиб жамиятда шаклланган олам ҳақидаги илмий тасаввурларни акс эттиришини ва тушунчалар, яъни предметлар ва ҳодисалардаги асосий тавсифларни иккинчи даражалиларидан алоҳида ажратиб олиш асосида юзага келадиган мантиқан англанадиган концептлар билан қандай ишлашини аниқлаш имкониятини берди. Терминларнинг лингвокогнитив таҳлили бошқа ёндашувлар асосида олинган тажриба ва натижаларни ҳисобга олишни тақозо этади ва онг, тил ва коммуникация ҳодисаларини ўзига хос равишда намоён этади. Бу, маълум бўлишича, бир неча фан соҳаларининг имкониятларини шунчаки «қўшиш» ёки тилшуносликка у ёки бу фаннинг айрим хулоса ва натижаларни жалб этиш эмас, балки когниция ҳодисалари ва дискурсни янгича ракурслар, англаш ва изоҳлашда ягона когнитив методологияни ҳисобга олувчи янгича йўналишдир.

Терминология соҳасидаги мутахассисларнинг кўпчилиги когнитив ёндашувнинг афзалликларини исботлашган, бу «махсус билимнинг кенг цивилизацион контекстда пайдо бўлиши ва тадрижий ривожланишини таҳлил қилиш, кишилардаги ўзгарувчан когнитив-коммуниктив эҳтиёжларни ҳисобга олган ҳолда терминологик номинация соҳасидаги динамик жараёнлар сабаби ва механизмларини очиқ бериш имконини беради. Буларнинг барчаси термин тизимлардаги тарихий жараёнларни чуқур илмий англаш имконини беради, махсус илмий структураларнинг лисоний структуралар билан мураккаб мутаносибликларини анқлайди<sup>10</sup>.

Олимлар таъкидлаганидек, терминнинг мураккаб ва зиддиятлилиги ҳақидаги ғоя когнитив терминшунослик тадқиқотчиларини бир-бирига яқинлаштиради. У терминшуносларни терминнинг конкрет хусусиятлари ички қонуниятларини ўрганишга йўналтиради. Бу терминнинг янги, яна ҳам чуқурроқ муаммоларини ўрганишга ёрдам беради, улар жумласига одамнинг

<sup>9</sup>Н.А.Нечаева Информационно-понятийная структура терминологии. 2012. С.112-115//www.cyberleninka.ru

<sup>10</sup>См.:Болдырев Н.Н. Концептуальное пространство когнитивной лингвистики // Вопросы когнитивной лингвистики. Тамбов, 2004. № 1. С. 18-35.

атрофидаги борлиққа муносабати масаласи ва унинг тилда ўз билимлари натижаларини ифодалашга интилиши муаммоси киради»<sup>11</sup>.

С.В.Гринёв когнитив терминшуносликни терминологик тадқиқотлар ичида энг истиқболлилари жумласига киришини эътироф этган ҳолда «илмий билишнинг хусусиятларини ўрганишгина эмас, балки инсоният маданияти ва тамаддунининг умумий тараққиёт йўллариини ўрганиш жиҳатидан ҳам унинг муҳимлигини ҳам айтиб ўтади»<sup>12</sup>.

Когнитив йўналиш терминологиянинг таърифланишларига бошқача назар билан ҳам қараш имконини беради, зеро бу маълум когнитив структуралар ёки тармоқнинг терминологик бирликлари сифатида концептуал тарзда тавсифланганлиги билан боғлиқдир. В. Ф. Новодранова таъкидлаганидек, «терминлар тизими асосий тушунчалар асосида яратилади ва шу боис энг кўп эътиборни уларнинг тавсифларига қаратиш керак, шу билан бирга тизим ҳам бирликлар тизими, ҳам когнитив хариталар, сценарийли режалар кўринишида намоён бўлувчи жуда мураккаб билимлар тармоғи йиғиндиси сифатида ҳам шаклланади»<sup>13</sup>.

Бундан ташқари мазкур бобда замонавий турк тилидаги асосий иқтисодий терминларнинг келиб чиқиши, шаклланиши ва таркиби ҳақидаги масала ҳам таҳлилга тортилган. Бунда 26 та соф туркча ва қатор ўзлашган терминлар кўриб чиқилган. Замонавий турк тилидаги терминларнинг муайян қисми араб, форс ва қатор европа тилларидан ўзлашган сўзлар ҳисобланади. Араб ва форсча ўзлашма сўзлар асосан анъанавий олди-сотди шакллариини ифодалайди, европа тилларидан ўзлаштирилганлари эса «молия» тушунчаси атрофидаги иқтисодий муносабатлар турини моделлаштирган.

Турк тилшунослигида иқтисодий терминлар ва уларнинг келиб чиқиши, ясаиш хусусиятлари тадқиқи бўйича муайян ишлар амалга оширилган. Хусусан, ушбу йўналишдаги тадқиқотлар қаторида Х.Зулфикар, Ш.Акалин, М.Эргенекон каби турк тилшуносларининг илмий изланишларини қайд этиш ўринли бўлади<sup>14</sup>.

Туркий тиллар тарихида қўлланган иқтисодий терминлар таҳлили ўзбек туркшуноси Х. Дадабоевнинг монографиясида батафсил таҳлилга тортилган<sup>15</sup>. Унда иқтисодий терминлар тарихий-этимологик аспектда ўрганиб чиқилган. Ишда иқтисодий терминлар муаллиф томонидан ўз ва ўзлашган қатламга ажратилиб, уларнинг лексик-семантик ҳамда савдо ва молия соҳалари терминларининг шаклланишига туртки бўлган экстралингвистик омилларнинг таъсири ўрганилган. Тадқиқотчи эски туркий ёзма ёдгорликларида қайд этилган савдо ва молия терминологиясининг семантик таснифини ишлаб чиққан. Унга

<sup>11</sup> Цитируется по Ревина Ю.Н. Когнитивные исследования в области терминоведения. Екатеринбург, 2013.С.199.

<sup>12</sup> Гринев, С.В. Введение в терминоведение. М., 1993.

<sup>13</sup> Новодранова В.Ф. Терминологическое поле в когнитивной структуре учебного научного текста. Дисс... канд. филол. наук. – М.,2004. – 159с.

<sup>14</sup> Hamza Zulfikar. Türk Terimcilik Tarihi İçinde Peyami Safa // TDK yayınları Dil ve Edebiyat. Sayı: 607, 2002; Şükrü Haluk Akalın. Türk dili. Yabancı sözlere karşılıklar ve terim çalışmaları // TDK yayınları Dil ve Edebiyat Dergisi. Sayı: 613, osak 2003. S.9-1; Эргенекон М. Компаративный анализ лингвистической терминологии в русском и турецком языках. Анкара, 2015;

<sup>15</sup> Дадабаев Х. Общественно-политическая и социально-экономическая терминология в тюркоязычных письменных памятниках XI-XIV. – Ташкент, 1991.

савдо карвони ва у билан боғлиқ тушунчаларни ҳамда турли молия операцияларининг номларини, савдо соҳаси билан шуғулланувчи шахслар, савдо муассасалари, жой ва предметлари номлари, пул бирликлари ва тўлов турларини ифодаловчи терминлар киритилган.

Е.Г.Кайтукованинг диссертацияси турк тилининг иқтисодий терминларига бағишланган, унда уларнинг лисоний ва нолисоний омиллар нуқтаи назаридан тавсифлаб, ясалиш усуллари ўрганиб чиқилган. Таъкидланишича, туркча иқтисодий терминларнинг ясалиши, бир томондан, турк иқтисодиётининг тарихий тараққиёти билан боғлиқ бўлса, иккинчи томондан эса лексиканинг турли қатламлари учун умумий бўлган сўз яшаш қонунларининг таъсири билан боғлиқ бўлган. Муаллиф фикрига кўра, турк тили иқтисодий терминалогияси ясалиш усуллари ва воситаларининг кўплиги билан ажралиб туради. У асосий ва маҳсулдор усуллар жумласига семантик, морфологик, синтаксик–семантик ва ўзлаштириш (бевосита ўзлаштириш, калькалаш ва аралаш ўзлаштириш) орқали сўз ясашлиш усуллари киритади<sup>16</sup>.

Д.С.Лоттенинг терминни алоҳида белги эмас, балки муайян тизим бирлиги<sup>17</sup> сифатида ўрганиш зарур деган фикри «**Иқтисодий терминлар замонавий турк тили лексик-семантик тизимининг бир қисми сифатида**» деб номланган II бобнинг энг асосий ғояси ҳисобланади. Шу муносабат билан диссертацияда сўз ясовчи, лексик-семантик ва мавзуи тизим яратувчи омиллар ажратилган. Дастлабки омил доирасида ясама ва кўп компонентли терминларнинг маҳсулдор отли ва феълли сўз ясовчи типлари аниқланган. Отлардан қуйидаги «фоолият юритувчи» маъносини билдирувчи аффикслар ёрдамида ясалади: -çi, -çi, -çi, -çü; -ci, -ci, -cu, -cü: Қиёсланг: kira - (ижара), kiraci – (ижарачи); maliye – (молия), maliyeci – (молиячи); iktisat – (иқтисод), iktisatçi – (иқтисодчи); ithalat – (импорт), ithalatçi – (импорт қилувчи), imalat – (ишлаб чиқариш), imalatçi – (ишлаб чиқарувчи).

Иқтисодий терминлар феъллардан -ma(me), -r, -ç, -m, -sız, -ci, -ü, -lı, каби аффикслар қўшилиши ёрдамида ҳосил бўлади: ödeme – (тўлов. бадал); kredisiz – (кредитдан фойдаланмаётган); masrafsız – (харажатлар талаб қилмайдиган); ödenme – (тўлов); ödentü – (аъзолик бадаллари); alacaklı – (кредитор); kazanç – (фойда); gelir – (даромад); gider – (харажат); tutar – (пул миқдори); götürü – (ишбай асосидаги тўлов); karatma – (қарзларнинг қопланиши).

*Koymak, uymak, olmak, çevirmek* каби ёрдамчи феъллар билан ясалган кўп компонентли терминлар. Масалан: sermaye çevirmek – (сармоя киритмоқ); sermaye uymak – (сармоя олмоқ); sermaye uymak – (сармоя киритиш); sermayenin birikmesi ve merkezleşmesi – (сармойни жамлаш ва марказлаштириш); sermaye koymak – (инвестиция киритиш); yabancı sermayeye esir olmak – (чет эл сармоясига қарам бўлиб қолиш).

Отли сўз ясовчи турлар икки кўринишда берилган. Биринчи турдаги сўз ясовчи типларга  $Is+Ci=İs$ ,  $İs+cilik=İs$ ,  $İs+yili=Sf$ . [ $İs+Ci=İs$ ] кабилар киради, бунда  $İs$  (иқтисодий соҳа сегментни ифодаловчи ном) +  $ci$  (шахс маъносини

<sup>16</sup> Кайтукова Е.Г. Способы образования и пути развития турецкой экономической терминологии// Автореферат на соискание ученой степени кан.фил.наук. М., 2007. 25с;

<sup>17</sup> Лотте Д.С. Основы построения научно-технической терминологии. – М.: АН СССР. 1961. – 158 с.

билдирувчи аффикс) = «фаолият юритувчи исми» сўз ўзаги билан аталади. Булар жумласига *kira* (ижара), *kiraci* – (ижарачи); *maliye* - (молия), *maliyesi* (молиячи) ва бошқалар киради. Иккинчиси [İs+Cilik4=Is] сўз ясаш тури, бунда Is (иктисодий соҳа сегментини ифодаловчи ном + *cilik* (фаолият маъносини ифодаловчи аффикс) = «фаолият соҳасини билдирувчи ном»; *gümrükcülük* (божхона иши), *bankacılık* (банк фаолияти), *ithalatçılık* (товарлар импорти), *kiracılık* (ижарачилик фаолияти), *ihracatçılık* (товарлар экспорти). [İs+-(y/i)lı]=Sf, İs («молия амалиёти» маъносини берувчи ном) + (y/i)lı4 (белги маъноси билан) = Sf («сўз ясовчи асос деб аталганга тааллуқли»), қиёсланг: *kredili*- «кредитдан фойдаланувчи» тарзида изоҳланиши мумкин; *avantajlı*- «манфаатли»; *masraflı* - «ҳаражатлар талаб қилувчи»; *senetli* – «хужжат (тилхат) билан таъминланган».

Феълли сўз ясаш турларига [F+(y/i)ci=İs] киради, бунда F (феъл бўлиб, у иктисодий соҳада амалга ошириладиган хатти ҳаракатни ифодалайди + (y/i)ci (шахс маъносини билдирувчи аффикс)= «ясовчи асос орқали ифодаланган фаолият билан шуғулланувчи ёки ҳаракатни бажараётган шахсинг номи». Масалан: *satmak* (сотмоқ), *satıcı* (сотувчи), F+li=İs, *almak* (олмоқ), *alacaklı* (кредитор). Улар қаторига яна + *ma*2 (жараён маъноси билан) = İs (иктисодий операциялар маъносида)<sup>18</sup> *çikar+ma* – (сотувдан чиқариш); *kredi ver+me*– (кредитлаш); *harca+ma* – (ҳаражат); *öde+me* – (тўлов, бадал, солиқ) ва бошқалар. F+siz4=Sf, бунда F (жараён ёки натижа маъносидаги ҳаракат номи)+ *siz*4 (инкор аффикси)= Sf («ясовчи ўзак билан номланган нарсанинг йўқлиги»). Масалан: *kredisiz* (кредитдан фойдаланмайдиган); *masrafsiz* (ҳаражатлар талаб қилмайдиган).

Икки компонентли терминларнинг сўз ясовчи турларига «ҳисоб» маъносини ифодаловчи [*hesap*+аниқловчи] «ҳисоблар тури»: *işler hesap* (мавжуд ҳисоб), *açık hesap* (очиқ ҳисоб), *cari hesap* (жорий ҳисоб). Сармояга тегишли [*sermaye* + аниқловчи] маъноси билан «сармоя турлари»: *ilk sermaye* (бошланғич сармоя) *esas sermaye* (асосий сармоя), *kuruluş sermayesi* (қурилиш сармоеси) ва бошқалар. Инвестиция маъноси [*yatırım* + аниқловчи] билан *direkt yatırımlar* (тўғридан тўғри инвестициялар), *finansman yatırımları* (молиявий инвестициялар) *vadesiz yatırım* (муддатсиз омонат), *net yatırımlar* (соф омонатлар). Активлар маъносида *yatırım parası* (инвестиция пули), *yatırım hesabı* (омонат ҳисоби), *yatırım bankası* (инвестицион банк). Бозорга тааллуқли маъносида [*piyasa* + аниқловчи] бозор турлари: *dış piyasa* (ташқи бозор), *spot piyasa* (нақд товар бозори). Кредитга тегишли маънода [*kredi* + аниқловчи] кредит тури: *kar açık kredi* (махсус мижозларга гаров қўймасдан бериладиган кредит), *teminatsız kredi* (кафолатланмаган кредит); *donmuş krediler* (музлатилган, блокланган кредитлар).

<sup>18</sup> –*ma*, –*me* аффикси инфинитив кўрсаткич сифатида намоён бўлувчи –*mak*, –*mek* қўшимчасининг охири ундошни *k* тушириб ясалган шакли ҳисобланади ва «қискартирилган инфинитив» деб номланади. Қаранг: Кононов А.Н. Грамматика турецкого языка. М., 1947. — С.56-78. Таъкидланишича, қискартирилган инфинитив феъл хусусиятлари устивор бўлган кенгайтирилган инфинитивдан фарқли ўлароқ натижани ифодалаш мумкин. Қискартирилган инфинитивда отлик хусусияти кўпроқ. Қискартирилган инфинитив, ҳар қандай ном каби, турланиши, эгалик, кесимлилиги ва кўплик сон аффиксларини олиши мумкин. Урғу бунда –*ma*, –*me*, аффиксига тушиши билан қискартирилган инфинитив иккинчи шахс бирликдаги буйруқ майли шаклидан фарқ қилади.

Лексик-семантик ва мавзуи омиллар доирасида ўрганилаётган терминлар ономасиологик ва идеографик жиҳатдан тавсифланади.

Шундай қилиб, ономасиологик жиҳатдан улар лексик-семантик майдон доирасида кўриб чиқилган, унга кўра таҳлил мазмундан сўзга қараб олиб борилади. Майдон `савдо`, `молиялаштириш`, `молиялаштириш амалга ошириладиган жой`, `иқтисодий фаолият турлари`, `молиявий хужжатлар`, `тўлов шакли` каби семалар билан бирлаштирилган. Терминларнинг олти семантик гуруҳи ва уларнинг ҳар бири, ўз навбатида, кичик гуруҳлардан таркиб топгани тадқиқ этилган.

